

**Савол:** Хайвонларни сўйишнинг бир неча шаръий ҳукмлари бор экан. Шулар хақида маълумот борми?

**Жавоб:** Аллох таоло бизларга ато этган ва истеъмолини ҳалол қилган хайвонларнинг гўшти фақат шаръий йўл билан сўйилганидагина ҳалол бўлади. Хайвонларни шаръий сўйиш усули бундай: улар сўйиладиган жойга олиб келинган, оёқлари боғланиб, қалласи қиблага қаратиб ётқизилади (бу амал мустаҳабдир). Бунгача пичокларни ўтқирлаб, олдиндан тайёрлаб қўйиш керак. Чунки хайвон ётқизилганидан сўнг пичокларни ўтқирлаш макруҳдир, бунда мол озорланади. Бевосита пичок тортишдан олдин қасб «Бисмиллахи, Аллоху акбар», деб хайвоннинг ҳикматдоғи ёнидан, бўйин тарафидан (яъни, қўрак томонидан) пичок тортади. Пичок тортишда тўрт нарса – қизилўнғач, икки қон томири ва кекирдик қесилиши керак. Хайвоннинг жони батамом чиқиб бўлгунча умуртка томирига пичок текқизилмайди, териси шилинмайди, қалла батамом узилмайди. Хайвонни сўйишга ётқизишдан олдин бошига болга ё ўтқир найза уриб ёки электр токи ёрдамида йикитиб сўйиш шаръан мумкин эмас. Бу усуллар билан сўйилган хайвон гўштини еб бўлмайди. Сўйилган хайвоннинг саккиз аъзосини – безлари, эркаклик аъзоси, ургочилик аъзоси, орқа йўлининг охири, мойқлари, сўйилганида томирдан отилиб чиққан қон, ўт пуфағи, сийдик пуфағини ейиш мумкин эмас. Сўйилган хайвон терисини шилишдан олдин оғиз билан пуфлаб шишириш макруҳдир. Бунда дам ургичдан фойдаланиш мумкин.

"Динда саволим бор" китобидан